



Варфоломей кечаси деб Францияда 1572 йил 24 август нишонланадиган авлиё Варфоломей куни аърафасида гугенотларнинг католиклар томонидан оммавий киргин килинган тунга айтилади. Турли маълумотларга кўра, ўша кечада Парижнинг ўзида 2000, бутун Франция бўйича эса 30 мингга якин гугенотлар ўлдирилган.

Варфоломей туни киргини Франция киролининг (Карл IX) онаси Екатериной Медичининг талаби ҳамда италиялик маслахатчилар Альбер де Гонди ва Лодовико Гонзагалар тазйиги остида уюштирилгани айтилади. Киргин кирол кизи Маргаританинг протестант шахзода Генрих Наваррский билан тўйидан олти кун ўтиб амалга оширилган. Ўшанда ушбу тўй муносабати билан кўплаб давлатманд ва нуфузли гугенотлар аҳолиси асосан католиклардан иборат Парижда тўпланган эдилар. Хунрезлик 1572 йил 23 август куни, авлиё Варфоломей куни арафасида, гугенотларнинг харбий ва сиёсий етакчиси адмирал Гаспар Колинига суикасд уюштирилганидан икки кун ўтиб бошланди.

Номатлуб иттифок ва номаъкул никох

Авлиё Варфоломей куни бўлиб ўтган киргини: Франциядаги учинчи диний урушга чек қўйган 1570 йил 8 август кунги Сен-Жермен тинчлик сулхи, гугенот шахзода Генрих Наваррскийнинг Маргарита Валуа билан 1572 йил 18 август куни бўлиб ўтган тўйи ҳамда 1572 йил 22 август куни адмирал Колинига карши муваффақиятсизлика учраган

суикасдларнинг кульминациясига айланди.

Сен-Жермен тинчлик сулхи католиклар ва протестантлар ўртасидаги уч йил давом этган урушга чек қўйди, бироқ энг радикал кайфиятдаги католиклар битимни тан олишни истамаганлари хавотир уйғотиб келарди. Католикларнинг энг радикал фракциясини бошқариб келган герцог де-Гиз оиласи гугенотлар лидери адмирал Гаспар Колинини кирол саройидан бадарга этилишини катъий туриб талаб киларди. Бироқ Екатерина Медичи ўгли Карл IX билан қўлидан келганча диндошларининг жанггарилик ховурини совутишга уринарди. Боз устига, уларни огир ахволга солиб қўйган молиявий кийинчиликлар тинчликни авайлаб саклашга ҳамда Колини билан яхши муносабатларда қолишга мажбур киларди. Армияси яхшигина куролланган, зодагонлари эса пул маблаглари жихатидан ёрдамини аямаган гугенотлар Ла-Рошел, Коняк ва Монтобан шаҳарларини назорат қилишарди. Ўзининг гаразли манфаатларини қўзлаган Испания (Бургундия, Прованс вилоятларини бериш) ва Англия (Кале ва Гиенини қайтариш) икки партияни эвазига иккала партияни қўллаб келарди.

[\[1\]](#)

Ракиблар ўртасидаги тинчлик сулхини мустахкамлаш учун Екатерина Медичи 1572 йил 18 август куни кизи Маргарита Валуа билан бўлгуси кирол, протестант шахзода Генрих Наваррскийнинг тўйини ўтказишни режалаштирганди. Бироқ на Рим Папаси ва на Испания кироли Филипп II ва на Франциянинг энг ашаддий католиклари Екатерина сиёсатини қўллар эди.

Вокелар қандай кечгани ҳақида

Бўлгуси тўй таникли протестантларнинг Парижда тўпланишига баҳона бўлди, улар пойтахтга ўз шахзодалари Генрихни никоҳ маросимига кузатиб келгандилар. Бироқ Парижда аксилгугенот кайфияти ҳукмрон бўлиб, аксарияти католиклардан иборат парижликлар гугенот лидерларининг шаҳарда бўлишини номақбул ҳолат дея қабул қилдилар.

Париж парламенти тўй маросимини менсимасликка қарор қилди. Дехкончиликдан қутилган ҳосил йиғиштирилмагани, солиқлар қўтарилгани, [\[2\]](#) озик-овкат ва биринчи зарурий буюмларга нархларининг ошгани оддий католикларнинг нафратини қучайтириб

юборганди. Шахарликлар кирол хонадонидаги тўйнинг намойишкорона хашамати ва зеб-зийнаитлари боис газабнок эдилар.

Кироллик саройининг ўзи ҳам фавкулодда тарзда бўлинган эди. Екатерина Медичи мазкур никохга Рим Папасининг рухсати олмаган, шунинг учун фаранг прелатлари (прелат - католик ва англикан черковларида: юкори мансабга эга бўлган рухоний.- тарж.) иккиланиб колгандилар. Киролича кардинал Шарл де Бурбонни (Бурбонлар оиласидаги ягона католик) келин-куёвга никох ўқишга зўрга кўндирди. Католикларнинг орасида зиддият етила бошлади, бироқ Гизлар ракиблари Монморанси хонадони билан яккама-якка курашга тайёр эмасди. Париж губернатори Франсуа де Мономоранси шаҳардаги тартибни таъминлашга кўзи етмаслигини ҳамда вазиятнинг ўта хавфли тус олаётганини сезиб, тўйдан бир неча кун олдин шаҳарни тарк этди.

Франция кироли Карл IXнинг онаси Екатерина Медичи гугенотлар етакчиси Гаспар Колинъига суикасд муваффакиятсизликка учраганидан сўнг гугенотларни киличдан ўтказишни бошлашга буюрди. Де Колинининг кирол Карлга таъсири борган сари кучайиб бораётган, адмирал уни протестантларнинг Испания кироли Филипп Иккинчига карши кўзголони кўллашга ва бунинг учун католиклар ва гугенотларнинг бирлашган армиясини юборишга кўндираётганди. У Франциядаги фукаролик урушини тўхтатиб қолиш учун ягона чора шу деб хисобларди, бироқ бу билан у Екатерина Медичининг Испания билан тинчлик ўрнатиш бўйича режаларига халакит берарди. Шу билан бирга, Екатерина Медичи тутган йўлнинг асосли эканини кайд этиш жоиз, негаки ўнлаб йиллар давом этаётган фукаролик урушидан чарчаган Франция умумий душман олдида бирлашиш ҳамда ўша пайтда кудрат чўккисига чиккан Испанияни маглубиятга учратишдан ожиз эди.

Тарихчилар ва беллетристларга кўра, [3] она киролича гугенотларни оммавий равишда киришни режалаштирмаган. Аввали бошида Колини ҳамда гугенотларнинг ўндан зиёд етакчиларини йўк қилиш ҳамда гугенотлар партиясининг номинал лидерлари – Бурбонлар хонадони шахзодаларини – Генрих Наваррский ва унинг бўласи шахзода Кондени кўлга олиш режалаштирилганди. Париж ахолисининг гугенотларга нисбатан нафрати ҳамда Колинъи ва Гизлар оилалари ўртасидаги кўхна адоват режалаштирилган акцияни оммавий киргинга айлантириб юборди. Қора либослари боис омма орасида ажралиб, танилиши осон бўлган гугенотлар кутурган котиллар учун осон ўлжага айланиб колдилар, бу киргинда ҳеч кимга, у қария, ёш бола ёки аёл бўладими, шавкат қилинмади. Бунаканги тўс-тўполонда бемалол кўшнини тўнаш, қарз берган кредиторни асфаласофинга жўнатиш ва ҳатто жонга теккан хотинини даф қилиш осон эди. Ҳеч ким қиличлардан ким ҳалок бўлаётганини – у гугенотми ёки католикми, назорат қилмай қўйганди. Охир-оқибат кирол зудлик билан Париж кўчаларида тартиб ўрнатишни амр этди.

Киргиннинг бошланишига Сен-Жермен-л'Оксеруа черковидаги кўнгироклар ишора қилган деб айтилади. Бирок Агриппа д'Обинье қироллик ибодатхонасидаги кўнгирок хақида ёзади: "...саройдаги катта кўнгирокнинг товушидан экзекуция бошланишини билишлари учун...", "у (қиролича) Сен-Жермен-Оксерруа кўнгирогидан бир ярим соат олдин саройда бонг уришга буюриб, жазо бошланишини тезлаштирмоқда".

[\[4\]](#)

Хунрезлик тўлкини аввал Париж ва ундан кейинроқ бошқа шаҳарлар ва қишлоқларидан ўтиб, бутун мамлакат микёсидаги қонли қиргинга айланди ва бир неча ҳафта давом этди. Тарихчилар шу қунгача Варфоломей тунининг қурбонлари сони бўйича аниқ бир тўхтамга келганлари йўқ, бироқ қўпчилик 5000 дан 30000 гача одам ўлдирилган деб ҳисоблайди.

Қиргин Франциядаги Диний урушлар тарихида бурилиш ясади. Гугенотларга қашатқич зарба берилди ва натижада улар қўлаб қўзга қўринган раҳбарларидан айрилдилар. Қиргин "асрнинг энг дахшатли диний қиргини бўлиб қолди", [\[5\]](#) бутун Европа бўйлаб "протестантларнинг онгида ўчмас из ва католицизм қонли ва сотқин дин эканлиги тўғрисидаги фикрни шакллантирди".

[\[6\]](#)

Аҳамияти

Франциядаги диний урушлар даврида гугенотлар ҳам католикларни савалаган. Мисол тариқасида 1567 йилда Авлиё Михаил қунида Нимадаги "Мишеллада"ни қелтириш мумкин. Бирок Варфоломей туни ҳаммасидан ўтиб тушди ва қамондошларнинг ақлини шошириб қўйди. Ушбу тун католиклар ва гугенотлар ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг бошқа воқеаларини иккинчи даражага тушириб қўйди. [\[7\]](#) Варфоломей тунидан сўнг 200 мингга яқин гугенот қўшни мамлакатларга қочдилар. Англия, Польша ва немис герцогликлари мақкур зўравонликлар борасида ўз қорозиликларини қилдирдилар. Рус қодшоси Иван Қрозний ҳам қайятга қисбатан бунақа муносабатни қоралади (уни қ айблов мақтуби Новгород қиргинидан икки йил ўтиб ёзилганди).

[\[8\]](#)

[1] Всемирная история. Энциклопедия. Том 4. (1958 год). Глава IX. Возвышение феодально-абсолютистской Франции. Гражданские войны

[2] Knecht, pp. 359; Robert Jean Knecht in The French Religious Wars 1562—1598, Osprey Publishing, 2002, ISBN 1-84176-395-0

[3] П. Мериме. «Хроника царствования Карла IX»

[4] Théodore Agrippa : d' Aubigné. Première partie // L'histoire universelle du sieur d'Aubigne'.. — 1616. — С. 16-17. — 392 с.

Глава VIII первой части «Всеобщей истории» д'Обинье на сайте Востлит

[5] H. G. Koenigsberger, George L. Mosse, G. Q. Bowler, «Europe in the Sixteenth Century», Second Edition, Longman, 1989

[6] Chadwick, H. & Evans, G.R. (1987), Atlas of the Christian Church, Macmillan, London, ISBN 0-333-44157-5 hardback, pp. 113;

[7] Черняк Е. Тайны Франции. — М.: Остожье, 1996, ISBN 5-86095-060-8, с. 93

[8] Вокруг Света | Журнал | Кровавая месса

Абу Муслим тайёрлади

